Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-мартда чакана товар айланмаси 4607,3 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	**4607,3**	**110,6**	**100**
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	23,0	137,5	0,5
нодавлат мулки	4584,3	110,5	99,5
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2628,1	111,3	57,0

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-мартда 2125,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,9 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1638,7 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119,5 фоизга ошган.

2017 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	**4607,3**	**110,6**	**100**
шу жумладан:			
савдо корхоналари	2125,4	108,9	46,1
якка тартибдаги тадбиркорлик	1638,7	119,5	35,6
уюшмаган сектор(ташкил этилмаган савдо фаолияти)	843,2	100,1	18,3

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 212,8 млрд.сўмга етди ёки 2016 йил январь-мартга нисбатан 117,0 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 109,1 фоизга ошди ва 1897,2 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-март ойларида 1601,2 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-мартда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 7154,9 млрд. сўмни ташкил қилди. 2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш 113,3 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-мартида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	**7154,9**	**113,3**	**100,0**
шу жумладан хизмат турлари бўйича:			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	735,2	118,9	10,3
молиявий хизматлар	1609,8	127,4	22,5
транспорт хизмати	1006,3	112,0	14,1
шу жумладан автотранспорт хизматлари	739,2	111,4	10,3
яшаш ва овқатланиш хизматлари	278,9	114,5	3,9
савдо хизматлари	1811,4	105,3	25,3
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	330,3	110,4	4,6
таълим соҳасидаги хизматлар	408,1	104,0	5,7
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	146,4	117,1	2,0
ижара ва прокат хизматлари	158,6	113,3	2,2
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	33,7	111,9	0,5
бошқа шахсий хизматлар	112,8	109,3	1,6
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	149,1	110,9	2,1
бошқа турдаги хизматлар	374,3	106,6	5,2

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 25,3 фоизи), молиявий (22,5 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, молиявий хизматлар (127,4 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлар (118,9 фоиз), соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар (117,1 фоиз), яшаш ва овқатлантириш хизматлар (114,5 фоиз), ижара ва прокат хизматлари (113,3 фоиз), кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар (110,4 фоиз) ва бошқа турдаги хизматларида (106,6 фоиз) ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-мартида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари қуйидагича: